

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия Вазирлиги**  
**томонидан**  
**«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»**  
**№ 114**  
**2017 йил «22» ноябр**

**«Bojxona brokerlari**  
**uyushmasi»**  
**аъзоларининг**  
**умумий йиғилишида**  
**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
**2017 йил «06»**  
**ноябрдаги 6-сонли**  
**баённомаси билан**

**«BOJXONA BROKERLARI**  
**UYUSHMASI»**  
**УСТАВИ**  
**(ЯНГИ ТАХРИР)**

Тошкент шаҳри – 2017 й.

## I. UMUMIY QOIDALAR

1.1. «Воjхона brokerlari uyushmasi» (матнда «Уюшма» деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, таъсис шартномаси ва ушбу Устав асосида фаолият юритади.

1.2. Қўйидаги юридик шахслар Уюшманинг аъзолари деб ҳисобланади:

1	"AL BIZNES SERVIS" маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 58-уй, 1-хона; Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2006 йил "12" апрелда 002271-11 сон билан рўйхатга олинган);
2	"HOLOS" маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Занжирбоғ кўчаси, 2-уй; Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2006 йил "01" мартда 002202-11 сон билан рўйхатга олинган);
3	"JOHD" маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-6, БЛОК 4-8/17; Тошкент шаҳар, Сергели тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2003 йил "02" январда 06-000403 сон билан рўйхатга олинган);
4	"TRANSBOJ-SERVIS" маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Юнус-обод тумани, 6- мавзе, Коракамиш кўчаси, 6-уй; Тошкент шаҳар, Юнус-обод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2008 йил "24" апрелда 003745-10 - сон билан рўйхатга олинган);
5	«BEK BROKER» маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Темур кўчаси; 19/32-уй; Миробод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2006 йил "18" август 03-000098 сон билан рўйхатга олинган);
6	«MAX-XXI» ишлаб чиқариш корхонаси (почта манзили: Андижон шаҳар Амир Темур шоҳкўчаси, Темир йўл вокзали (почта манзили); Андижон вилояти Избоскан тумани, Пойтуғ шаҳар Гуломова кўчаси, 6-уй (юридик манзили); Андижон вилояти Избоскан тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2009 йил 11 майда №1004 сон билан рўйхатга олинган);
7	"ZOLL-LOGISTIK-OUTSOURCING" маъсулияти чекланган жамияти. (Почта манзили: Тошкент ш. Олтинтепа 4-тор, 81 уй; Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2014 йил 17 декабрда 04-0001376 сон билан рўйхатга олинган);
8	"CARPE DIEM" маъсулияти чекланган жамияти. (Почта манзили: Тошкент ш. Олтинтепа 4-тор, 81 уй; Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2011 йил 13 октябрда 006896-04 сон билан рўйхатга олинган)
9	"AZALIA IMPEX" Хусусий корхонаси. (Почта манзили: Тошкент шаҳар, Паркент кўчаси, 6- "Б" уй, 3-хона; Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2017 йил 10 мартда 007352-04 сон билан рўйхатга олинган)

10	"DEMETRA" маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник 6-мавзе; 4-уй; Тошкент шаҳар, Сергели тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2013 йил "17" июнда 003912-06 сон билан рўйхатга олинган);
11	«MERCURY ALLIANCE» маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Оккургон кўчаси; 31-уй; 13-хона. Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2014 йил "21" апрелда 008938-04 сон билан рўйхатга олинган);
12	"HAGARUS BROKER" Хусусий корхонаси, (почта манзили: Тошкент шаҳар, Мустакиллик шох кўчаси, 75-уй; Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2016 йил "05" апрелда 001629-04 сон билан рўйхатга олинган);
13	«PHOENIX BROK IMPEX» маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Тикланиш кўчаси; 2-уй; Тошкент вилояти, Чирчик шаҳар Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2010 йил "01" апрелда 3498сон билан рўйхатга олинган.)
14	«TRUST CONSTRUCTION» хусусий корхонаси (почта манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси; 116-уй; Тошкент шаҳар Олмазор тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2014 йил "29" июлда 006940-05 сон билан рўйхатга олинган);
15	"AMIRA PLATINUM" хусусий корхонаси (почта манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, 2 Эски отчопар кўча, 1-гор кўчаси; 1-уй; Тошкент шаҳар Миробод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2015 йил "23" сентябрда 007842-03 сон билан рўйхатга олинган);
16	"KONSTANTIN" Хусусий кичик корхонаси, (почта манзили: Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Улугбек кўчаси, 76А-уй,55-хонадон; Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2005 йил "02" июнда 009221-10-сон билан рўйхатга олинган);
17	"SOPROS CONSULTING" Хусусий корхонаси, (почта манзили: Тошкент шаҳар, Муйнок кўчаси, 135-уй; Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2014 йил "29" июлда 001794-07-сон билан рўйхатга олинган);
18	«ARTIFEX PROFI» хусусий корхонаси (почта манзили: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 65А-уй; Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2016 йил "29" мартда 005813-11 сон билан рўйхатга олинган);
19	"VISTA TRANSNET" маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 38-уй; Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2013 йил "21" октябрда 007496-11 сон билан рўйхатга олинган);

20	«ALPHA SMART STANDART» маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Юнус-обод тумани, 7 даҳаси, 28-уй; Тошкент шаҳар, Юнус-обод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2016 йил “07” апрелда 010894-10 - сон билан рўйхатга олинган);
21	«AVADAN IMPEX GROUP» маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Юнус-обод тумани, А.Темур кўчаси; 2а-уй; Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2015 йил “14” октябрда 007884-03 сон билан рўйхатга олинган);
22	"WAGGON WASH SERVICE" маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги кушма корхона (почта манзили: Тошкент шаҳри, Юнус Обод тумани, А.Тимур кўчаси; 95а уй; Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2011 йил “01” июлда 1198 сон билан рўйхатга олинган);
23	"ANTARES ALPHA GROUP" маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, А.Каххор 9 тор кўчаси; 1-уй, 216-хона; Тошкент шаҳар,Яккасарой тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2016 йил “28” сентябрда 009508-11 сон билан рўйхатга олинган);
24	"EAST LOGISTICS GROUP" маъсулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳар, Шохжохон кўчаси; 65-уй; Тошкент шаҳар,Яккасарой тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2012 йил “13” июнда 006691-11 сон билан рўйхатга олинган);

1.3. «Уюшма» аъзоларининг таркиби, «Уюшма» аъзолигига бошқа юридик шахсларнинг кириши эвазига ўзгариши мумкин.

1.4. «Уюшма», ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва юксалтириш, «Уюшма» нинг Уставида белгиланган мақсадларга эришиш учун биргаликдаги фаолият асосида ташкил этилган.

1.5. «Уюшма» тижорат фаолияти билан шуғулланмайди ҳамда ўз олдига ўзининг фаолиятдан фойда олишни мақсад қилиб қўймайди.

1.6. «Уюшма»нинг номи:

- давлат тилида тўлиқ номи: "**Воjxона brokerlari uyushmasi**";
- рус тилида тўлиқ номи: "**Ассоциация таможенных брокеров**";
- инглиз тилида тўлиқ номи: "**Association of customs brokers**";

1.7. «Уюшма»нинг фаолият муддати чекланмаган.

1.8. «Уюшма»нинг почта манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 11 уй.

## II. УЮШМАНИНГ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТИ

2.1. «Уюшма» қуйидаги мақсадларда тузилган:

- Уюшма Аъзолари бўлган корхоналарнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, муштарак мулкый манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;
- Уюшма аъзолари бўлган корхоналарга чет эллик шериклар билан амалий

- мулоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда кўмаклашиш;
- Уюшма аъзолари бўлган корхоналарга Ўзбекистон Республикасида ва хорижда кўргазмалар, ярмаркалар, тақдиротлар, анжуманлар, бизнес форумлар, кооперацион биржаларни ташкиллаштиришда кўмаклашиш;
- Уюшма аъзоларининг инвестицион, тижорат, илмий-техникавий ва иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириб бериш;
- Уюшма аъзоларининг давлат бошқарув органларида, шунингдек, хорижий давлатларда манфаатларини ҳимоя қилиш, конференция, семинар, симпозиум ва бошқа учрашувларда қатнашиш;
- Уюшма аъзолари орасида тўғри хўжалик алоқаларни боғлашда ёрдам бериш;

## 2.2. «Уюшма»нинг фаолияти:

- Уюшма Аъзоларининг Давлат идоралари ҳамда бошқа муассаса, корхона ва ташкилотлар олдида ўз аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишда ёрдам бериш;
- Уюшма аъзолари фаолиятини ижтимоий, молиявий, иқтисодий ривожлантиришда кўмаклашиш;
- Уюшма аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, самарали иқтисодий фаолият, ҳаққоний рақобат учун шароитлар яратиш;
- Уюшма аъзоларининг фаолиятидаги муаммоларга доир ахборот хизматини ташкиллаштиришга ёрдам кўрсатиш;
- Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида уларни ўқитишни ташкил этиш;
- Божхона тармоғида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган йиғилиш, конференция ва бошқа тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш.

## III. УЮШМАНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ

3.1. «Уюшма» давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига, ўзининг мустақил балансига, ҳисоб рақамларига, ўз номидаги муҳр, эмблема, байроқ, вимпел ва бошқа реквизитларига эга бўлади.

3.2. «Уюшма» давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқига, ўз номидан шартномалар тузишга, судда даъвогар ёки жавобгар бўлишга ҳақлидир.

3.3. «Уюшма» амалдаги қонунчиликка кўра шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил қилиш ҳуқуқига эга.

3.4. «Уюшма» акция ёки корхоналарнинг Устав фондида улушларни сотиб олиш йўли билан фаолиятларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

3.5. «Уюшма» ўз мажбуриятлари юзасидан тассаруфидаги барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

3.6. «Уюшма» ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат ва унинг органлари «Уюшма»нинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек «Уюшма» ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

3.7. «Уюшма»нинг барча аъзолари ўз мустақиллигини ҳамда юридик шахс мақомини сақлаб қоладилар.

3.8. «Уюшма» ўз фаолиятини аъзолар ихтиёрийлиги ва тенг ҳуқуқлиги асосида амалга оширади.

3.9. «Уюшма» қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- Қонун билан белгиланган тартибда контракт, меҳнат шартномаларини ишчи ва хизматчилар билан келишув асосида тузиш;
- «Уюшма» фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш бўйича маҳаллий мутахассисларни чет элга хизмат сафарларига юбориш ва хорижий мутахассисларни таклиф этиш;
- Шартномалар асосида банк кредитларидан фойдаланиш ва улар бўйича ўз мулки билан жавоб бериш;
- Давлат органларидан ва хўжалик юритиш ташкилотларидан ўзининг фаолиятига доир хабар, ахборот ва маълумотлар олиш ҳамда ўз аъзолари эътиборига етказиш.

3.10. «Уюшма» Уставда белгиланган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатарида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

3.11. Уюшманинг мажбуриятлари:

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Уставда ва бошқа таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга риоя этиш;
- Солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиб бориш.

#### **IV. УЮШМАГА АЪЗОЛИК ҲАМДА АЪЗОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. «Уюшма» аъзоларини бирлаштириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда фақат ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

4.2. Ўз фаолиятини ижтимоий шерикчилик асосларида юритадиган, «Уюшма» Устави ҳамда бошқа ички меъёрий ҳужжатларни эътироф этадиган, белгиланган бадалларни ўз вақтида тўлайдиган юридик шахслар «Уюшма» аъзолари бўлиши мумкин.

4.3. Юридик шахснинг ёзма аризаси ва аъзолик бадали тўлови «Уюшма» аъзолигига қабул қилиш учун асос бўлади.

4.4. «Уюшма»нинг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) «Уюшма» фаолияти ҳақида маълумот олиш;
- б) «Уюшма» бошқаруви органларига таклифлар киритиш ва уларнинг муҳокамасида иштирок этиш;
- в) «Уюшма»нинг аниқ дастур ва лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиш; «Уюшма» ижро органлари хизматларидан фойдаланиш;
- г) «Уюшма»нинг ахборот базаси маълумотларига кириш имконига эга бўлиш, илмий-услубий маълумотларидан фойдаланиш;
- д) Уставга мувофиқ, «Уюшма» бошқаруви органларига номзодларни таклиф қилиш ва сайлаш;
- е) «Уюшма» фаолиятига тегишли барча масалалар бўйича қарорларни қабул қилишда иштирок этиш;
- ж) «Уюшма» хизматларидан беғараз фойдаланиш;

- з) Умумий йиғилишларда овоз бериш пайтида тенг овозлар сонига эга бўлиш;
- и) Уюшма фаолияти бўйича ўз таклиф ва мулохазаларини киритиш, барча масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;
- к) Уюшма фаолияти, унинг режа ва дастурлари ҳақидаги маълумотларни олиш;
- л) Уюшма бошқарув органларидан умумий йиғилиш қарорлари бажарилиши ҳолати ҳақидаги маълумотларни талаб қилиш;
- м) Уюшма умумий ва навбатдан ташқари йиғилишлари кун тартибига таклифлар киритиш;
- н) Уюшма раҳбар органларига унинг фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай масала юзасидан мурожаат қилиш;
- о) Уюшмага маслаҳат, услубий ва бошқа ёрдам юзасидан мурожаат қилиш;
- п) Уюшма аъзоларидан исталган пайтда ўз хоҳиши билан чиқиш;

#### 4.5. «Уюшма» аъзоларининг мажбуриятлари:

- Уставга амал қилиш;
- Белгиланган муддатларда аъзолик бадалларини тўлаб бориш;
- Уюшма умумий йиғилиши қарорларини бажариш;
- Почта манзили, алоқа телефон рақамлари ўзгарганлиги ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;

#### 4.6. «Уюшма» аъзоларидан чиқаришга асослар:

- Амалдаги қонунчилик ва Уставда белгиланган мажбуриятларини қўпол равишда бузиш;
- Уюшманинг бошқарув органи қарорларини бажармаслик;
- Олти ой давомида аъзолик бадалини тўламаслик.

4.7. «Уюшма» аъзоларидан чиқиш ёки чиқариш пайтида илгари тўланган аъзолик ва бошқа бадаллар қайтариб берилмайди.

## **V. МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ**

5.1. «Уюшма»нинг мол-мулки асосий ва айланма воситаларидан, ҳамда бошқа воситалардан, «Уюшма»нинг мустақил балансида акс эттирилган мулкдан иборат.

5.2. «Уюшма» қонунчиликда белгиланган тартибда ўз мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқига эга.

5.3. «Уюшма» амалдаги қонунчиликка мувофиқ мол-мулкни ўз воситалари, банк кредитлари ва бошқа манбаалар ҳисобидан сотиб олиш ва ижарага олишга ҳақлидир.

#### 5.4. «Уюшма»нинг мол-мулки шаклланадиган манбаалари:

- Уюшма аъзоларининг аъзолик бадаллари;
- Қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5.5. «Уюшма» нотижорат ташкилоти ҳисобланади, солиқ ва бошқа тўловларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

## **VI. УЮШМАНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ**

#### 6.1. «Уюшма»нинг бошқарув органлари:

- Олий бошқарув органи – Уюшма Аъзоларининг Умумий йиғилиши;
- Ижроия органи – Уюшма Бошқаруви.

6.2. «Уюшма»нинг ҳар бир аъзоси Аъзоларнинг Умумий йиғилишида бир овозга эга.

6.3. Аъзоларнинг Умумий йиғилишнинг мутлоқ ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) Уюшма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;
- б) Уюшманинг Таъсис шартномасига ва мазкур Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, янги тахрирда қабул қилиш;
- в) Уюшмани қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳақида қарорларни қабул қилиш;
- г) Уюшма аъзолари томонидан киритиладиган бадаллар миқдорини ва уларни киритиш тартибини белгилаш;
- д) Уюшма аъзоларини Уюшманинг таркибидан четлаштириш;
- е) Аъзоларнинг Умумий йиғилиши раиси ва котибини сайлаш;
- ж) Кузатув кенгашини сайлаш;
- з) Уюшма Раисини сайлаш;
- и) Тафтиш комиссиясини сайлаш;
- к) Уюшманинг филиал ва ваколатхоналарини ташкил этиш ва тугатиш ҳақида қарорларни қабул қилиш, улар фаолиятини тартибга солувчи ички меъёрий-ҳуқуқий актларни тасдиқлаш, уларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва бўшатиш;
- л) Ташқи аудиторни тасдиқлаш.

6.4. Аъзоларнинг Умумий йиғилиши навбатдаги ёки навбатдан ташқари бўлиши мумкин.

6.5 Навбатдаги аъзоларнинг Умумий йиғилиши Уюшма Раиси ташаббуси билан йилига бир мартадан кам бўлмаган ҳолатда чақирилади. Уюшма Раиси навбатдаги аъзоларнинг Умумий йиғилиши ўтказилишидан камида ўн кун олдин Уюшманинг ҳар бир аъзосини унинг кун тартиби, ўтказилиш вақти ва жойи ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши зарур.

6.6. Навбатдан ташқари аъзоларнинг Умумий йиғилиши Уюшма Раиси камида икки нафар Уюшма Аъзоси, Кузатув кенгаши ёки Тафтиш комиссияси ташаббуси билан чақирилади. Уюшманинг ҳар бир аъзоси навбатдан ташқари аъзоларнинг Умумий йиғилиши ўтказилишидан камида бир hafta олдин навбатдан ташқари аъзоларнинг Умумий йиғилишини чақирувчи ташаббускорлар томонидан унинг кун тартиби, ўтказилиш вақти ва жойи ҳақида ёзма равишда хабардор қилиниши лозим.

6.7. Аъзоларнинг Умумий йиғилиш қарори, мазкур Уставнинг 6.8. бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари Уюшманинг аъзолари умумий овозлар сонининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

6.8. Аъзоларнинг Умумий йиғилишининг мазкур Уставнинг 6.3 бандининг "б", "в", "д" бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарори Уюшма аъзолари умумий овозлар сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

6.9. Аъзоларнинг Умумий йиғилиш қарорлари кун тартибдаги масалаларни ва овоз бериш учун қўйилган масалаларни муҳокама қилиш учун ва улар бўйича қарор қабул қилиш учун Уюшма аъзоларининг биргаликда иштироксиз сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш тартибида қабул қилиниши мумкин.

6.10. Сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш тартибида Аъзоларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида қарор уни чақирувчи ташаббускорлар томонидан қабул қилинади.



6.11. Аъзоларнинг Умумий йиғилишини сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш тартибида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган вазиятда, унинг чақириш ташаббускори Уюшманинг ҳар бир Аъзосини Аъзоларнинг Умумий йиғилишининг кун тартиби, овоз беришнинг ўтказилиш вақти ҳақида, шунингдек овоз беришни ўтказиш вақтидан камида 2 (икки) ҳафта олдин қарор қабул қилиш учун керакли маълумотларни ва материалларни ёзма кўринишда тақдим этиши лозим.

6.12. Аъзоларнинг Умумий йиғилишини сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш тартибида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган вазиятда, мазкур Уставнинг 6.11. бандида кўрсатилган маълумотлар ва материалларни олган вақтдан бошлаб Уюшманинг ҳар бир Аъзоси 5 (беш) календар кун ичида Аъзоларнинг Умумий йиғилиши чақириш ташаббускорига кун тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш таклифи билан ёзма равишда жавобларини юборишлари мумкин. Уюшманинг Аъзоси кун тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш таклифларни ўзига тегишли бўлган расмий электрон почта адреси орқали Уюшмага тегишли бўлган расмий электрон почта адресга жўнатиши мумкин.

6.13. Агар кун тартибига бир хил, бир-бирига ўхшаш, ёки бир-бирига боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Уюшма Аъзоларининг умумий сонидан 30 (ўттиз) фоизи фикр билдирган бўлса, Аъзоларнинг Умумий йиғилишининг чақириш ташаббускори 5 (беш) календарь кун ичида кун тартибига керакли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши лозим.

6.14. Аъзоларнинг Умумий йиғилишини сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш тартибида ўтказишда кун тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган вазиятда, Аъзоларнинг Умумий йиғилишининг чақириш ташаббускори уларни киритган вақтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун ичида Уюшманинг ҳар бир Аъзосини ёзма равишда бундай ўзгартиришлар ва қўшимчалар ҳақида, шунингдек Аъзоларнинг Умумий йиғилишининг якуний кун тартиби ҳақида ва овоз беришга қўйилган масалалар ҳақида хабардор қилиши шарт.

6.15. Аъзоларнинг Умумий йиғилишини сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш тартибида ўтказишда Уюшма Аъзоларининг истаклари Аъзоларнинг Умумий йиғилиш ташаббускорига Уюшманинг мазкур Аъзоси томонидан овозга қўйилган масала бўйича қарор хулоса қисмида аниқ кўрсатилган ёзма хабарномани жўнатиш йўли билан амалга оширилади. Уюшманинг Аъзоси хабарномани ўзига тегишли бўлган расмий электрон почта адрес орқали «Уюшма»га тегишли бўлган расмий электрон почта адресга жўнатиш мумкин.

6.16. Овоз бериш ўтказилган вақтдан беш кундан ўтиб кетмаган ҳолда Аъзоларнинг Умумий йиғилишининг қарори Аъзоларнинг Умумий йиғилиши раиси ва котиби томонидан тузилган ва имзоланган баённомада расмийлаштирилади. Сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш тартибида ўтказилган Аъзоларнинг умумий йиғилиш баённомасига мажбурий тартибда мазкур Уставнинг 6.14. ва 6.15. бандларида белгиланган Уюшма Аъзоларининг барча ёзма жавоблари ва хабарномалари мажбурий тартибда илова қилинади.

6.17. «Уюшма» аъзосини Уюшма аъзолигидан чиқариш масаласи кўриб чиқиладиганда, ушбу аъзо ёки унинг вакили йиғилишда қатнашмайди.

6.18. Умумий Йиғилишда қабул қилинган қарорлар Уюшманинг Уставига ёки қонунчиликка зид бўлиши мумкин эмас.

## VII. УЮШМАНИНГ ИЖРО ОРГАНИ

7.1. «Уюшма»нинг ижро органи Бошқарув ҳисобланади. Бошқарув доимий асосда ишлайдиган ва Уюшма Аъзоларнинг Умумий йиғилишида бир йил муддатга сайланадиган Уюшма Раисидан иборат.

7.2. Уюшма Раиси ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) Уюшма фаолиятини тезкор бошқарувини амалга ошириш;
- б) Уюшманинг штат жадвалини ишлаб чиқиш ва уни Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритиш;
- в) Уюшма ходимларининг чегаравий сони ва иш маошларининг миқдори ҳақида Кузатув кенгашига таклиф киритиш;
- г) Уюшманинг мазкур Уставнинг 6.3. бандининг "к" бандида кўзда тутилган актлардан ташқари ички меъёрий-ҳуқуқий актларини тасдиқлаш;
- д) Уюшма номидан ишончномасиз ҳамма юридик аҳамиятли ҳаракатларни амалга ошириш;
- е) Уюшма ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва тугатиш;
- ж) Энг кам иш ҳақининг 50 (эллик) баробаридан ошмаган битимларини тузиш, энг кам иш ҳақининг 50 (эллик) баробаридан ошган, лекин 250 (икки юз эллик) баробаридан ошмаган битимларини тузиш ҳақида таклифларни Кузатув кенгашига тақдим этиш;
- з) Уюшма томонидан энг кам иш ҳақининг 250 (икки юз эллик) баробаридан юқори бўлган битимларини тузиш ҳақида таклифларни Уюшма Аъзоларнинг Умумий йиғилишига тақдим этиш;
- и) Уюшма томонидан бошқа юридик шахсларни ташкил этиш ва тугатиш ҳақида таклифларни Кузатув кенгашига тақдим этиш;
- к) Уюшма фаолиятининг тезкор масалалари бўйича буйруқлар чиқариш;
- л) Уюшманинг таъсис ҳужжатларини, думалоқ муҳрини ва бурчак штампини сақлаш.
- м) Шунингдек, қонунчиликка зид бўлмаган ва Уюшма фаолиятининг вазифаларини амалга ошириш ва мақсадларига эришиш учун Аъзоларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига юклатирганларидан ташқари бошқа ҳар қандай ваколатларни амалга ошириш.

7.3. Уюшма Раиси ҳар йили Аъзоларнинг Умумий йиғилишига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

## **VIII УЮШМАНИНГ ВАКИЛЛИК НАЗОРАТ ОРГАНИ**

8.1. Кузатув кенгаши Уюшманинг вакиллик органи ҳисобланади ва Аъзоларнинг Умумий йиғилишида Уюшма Аъзоларининг вакиллари орасидан бир йил муддатга сайланган уч кишидан иборат.

8.2. Кузатув кенгаши ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) Уюшманинг штат жадвалини, ходимларининг чегаравий сонини ва уларнинг маошлари миқдорини тасдиқлаш;
- б) Уюшма томонидан энг кам иш ҳақининг 50 (эллик) баробаридан ошган лекин 250 (икки юз эллик) баробаридан ошмаган битимларни тузиш ҳақида қарорларни қабул қилиш.
- в) Уюшма томонидан бошқа юридик шахсларни ташкил этиш ва тугатиш ҳақида қарорларни қабул қилиш.

8.3. Кузатув кенгашининг қарори бир овоздан қабул қилинади ва унинг мажлиси ўтказилгандан сўнг уч кундан кечиктирилмасдан баённома тузилади ва Кузатув кенгашининг ҳамма аъзолари томонидан имзоланиб расмийлаштирилади.

8.4. Кузатув кенгаши ҳар йили Уюшма Аъзоларнинг Умумий йиғилишига ўз фаолияти ҳақида ҳисобот тақдим этади.

## **IX ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ**

9.1 «Уюшма» иш натижалари ҳисобини олиб боради. Оператив бухгалтерия ва статистика ҳисобларини юритади. Уюшмада бу ҳисоб ва ҳисоботлар амалдаги қоидаларга мувофиқ олиб борилади.

9.2. «Уюшма» фаолиятининг молия йили 1-январдан 31-декабргача белгиланади.

9.3. «Уюшма» баланси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда белгиланади.

9.4. Ҳисоб-китоб олиб борилиши ва ҳолати учун жавобгарлик бош ҳисобчига ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахсга юклатилади.

9.5. «Уюшма» жойлашган бинода пуллик ҳужжатлар юритилади ва сақланади, шу жумладан:

- а) Уюшма таъсис ҳужжатлари, шунингдек Уюшманинг ички муносабатларини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар, таъсис ҳужжатларга киритилган ва тасдиқланган ўзгартириш ва қўшимчалар;
- б) Қонунда назарда тутилган бухгалтерлик ҳужжатлари;
- в) Қатнашчиларнинг умумий йиғилиши баённомалари;
- г) Уюшма номидан ишонч қоғозига эга ходимларнинг рўйхати;
- д) Уюшма ҳамма ходимлари рўйхати;
- е) Уюшма фаолиятининг статистик кўрсаткичлари;
- ж) Аудиторнинг ва давлат молия назорати органининг хулосалари.

## **Х ТАФТИШ КОМИССИЯСИ**

10.1 Тафтиш комиссияси «Уюшма»нинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни олиб боради ва Аъзоларнинг Умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланган уч кишидан иборатдир. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтда Кузатув кенгашининг аъзоси ёки Уюшма Раиси лавозимини эгаллаши, шунингдек Уюшма ходими бўлиши мумкин эмас.

10.2 Ўз вазифасини бажариш жараёнида ёрдам кўрсатиш учун Тафтиш комиссияси Аъзоларнинг Умумий йиғилишида тасдиқданган аудиторлик ташкилотларини жалб қилиши мумкин.

10.3 Уюшма Раиси, Кузатув кенгаши ва Уюшма ходимлари Тафтиш комиссиясига тафтиш ўтказиш учун ҳамма керакли маълумотларни ва хужжатларни тақдим этишлари лозим.

10.4. Тафтиш комиссияси ҳар йили Аъзоларнинг Умумий йиғилишига ўз фаолияти ҳақида ҳисобот тақдим этади.

## **ХІ УЮШМА ХОДИМЛАРИНИНГ МЕХНАТИ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТИ**

11.1. Мехнат ҳақи тўлови, мехнат ва дам олиш тартиби, Уюшма маъмурияти ходимларини ижтимоий таъминлаш, ўқитиш ҳамда суғурта қилиш, ходимларни ёллаш Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, томонлар ўртасида тузиладиган мехнат шартномаси билан тартибга солинади.

## **ХІІ УЮШМАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

12.1. «Уюшма»ни қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайтадан тузиш) Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига биноан амалга оширилади.

12.2. «Уюшма»ни тугатиш умумий йиғилишнинг, суднинг қарорларига ёки қонунларда кўрсатилган бошқа асосларга кўра амалга оширилади. Уюшма Аъзоларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра тугатилаётган бўлса, бу ҳақда зудлик билан рўйхатга олган органни ёзма равишда хабардор қилиши зарур.

12.3. Уюшма Аъзоларининг Умумий йиғилиш ёки Уюшмани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган бошқа орган тугатиш комиссиясини тайинлайди, тугатиш тартиби ва муддатини белгилайди.

12.4. Тугатиш комиссияси Уюшма тугатилиши ҳақида матбуотда хабар беради ва кредиторларнинг талабларини билдириш тартиби ва муддатини белгилайди, бу муддат тугатиш ҳақида эълон қилинган кундан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

12.5. Тугатиш комиссияси тузилган пайдан бошлаб унга «Уюшма» ишларини бошқариш ва тугатилаётган Уюшма номидан судда қатнашиш

ваколатига эга.

12.6. Тугатиш комиссияси Уюшмани тугатиш учун зарур бўлган ишларни амалга оширишга ҳақли.

12.7. Тугатиш комиссиясининг аъзолари ўзларининг фаолиятлари натижасида Уюшма ёки учинчи шахсга етказилган зарар учун биргаликда жавоб берадилар.

12.8. Тугатиш комиссияси қарздорларни Уюшма тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади, қарздорларни аниқлайди ва дебиторлик қарзлари бўйича қарзларни тўланиш чораларини кўради.

12.9. Тугатиш комиссияси қарздорлар томонидан даъво қилиш муддати ўтгандан сўнг, оралик тугатиш балансини тузиб чиқади. Оралик тугатиш балансида Уюшма мулкининг таркиби тўғрисидаги, қарздорларнинг даъволари рўйхати ва уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатиб ўтилади. Оралик тугатиш баланси умумий йиғилиш томонидан ёки Уюшмани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади.

12.10. Агарда Уюшма пул маблағлари қарздорларнинг даъволарини қоплаш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси суд қарорини ижро этиш учун Уюшмага тегишли бўлган мулкларни савдога чиқариб сотишни амалга оширади.

12.11. Қарздорларга пул маблағлари тўлаш тугатиш комиссияси томонидан оралик тугатиш баланси тасдиқланган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ФК нинг 56 моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

12.12. Тугатиш комиссияси қарздорларга қарзлар тўланиб бўлингач, тугатиш балансини тузади. Тугатиш баланси умумий йиғилиш ёки Уюшмани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади.

12.13. «Уюшма» бюджет, ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўрсатилган бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоб қилиб бўлгандан сўнг қолган мулк Уюшма аъзолари ўртасида тенг тақсимланади.

12.14. «Уюшма» давлат рўйхати реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади. «Уюшма» тугатилиши билан ушбу Устав ўз кучини йукотади.

12.15. Ушбу Уставда назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хал этилади.

12.16. Агар Уюшма Таъсис шартномаси ва мазкур Устав ўртасида зиддият пайдо бўлса, унда мазкур Устав қоидалари қўлланилади.